



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 59 (11.620)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Адлия ва- зирлигида юридик хизмат ходимлари фа- олиятини янада яхшилаш, норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартно- мауларни тайёрлаш ҳамда ҳуқуқий экспер- тизадан ўтказиш ишини такомиллашти- риш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат мул- ки кўмитаси қошидаги Республика Бизнес мактабида мамлакатимизда кўчмас мулк бозорининг ҳозирги ҳолати ва унинг ри- вожланиш истиқболлари масаласига ба- ғишланган давра суҳбати ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, олимлар, ёш тадқиқотчилар ва талаба- лар иштирок этди. Тадбир доирасида ёш тадқиқотчилар ва олимлар ўртасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, «Энг яхши илмий мақола», «Энг яхши иннова- цион ғоя», «Энг ёш илмий раҳбар» ва бо- шқа номинациялар бўйича ғолиблар ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

● Зарафшон шаҳрида буюк шифокор ва олим Абу Али ибн Синога бағишланган ёдгорлик тантанали равишда очилди.

● Жиззах шаҳрида компьютер эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисос- лашган «Барно плюс» масъуляти чеклан- ган жамияти ўзининг дастлабки маҳсу- лотларини буюртмачиларга етказиб бера бошлади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 миллиард сўмлик маблағ сарф- ланди. 17 киши меҳнат қилаётган маз- кур корхонада ойига ўртача 10 минг до- нагача компьютер эҳтиёт қисмлари тай- ёрланмоқда.

● Марҳамат тумани Бандликка кўмак- лашувчи маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Таъкид- лаш керакики, ушбу тадбирда тумандаги бир қатор корхоналар бўш иш ўринлари- ни тақлиф этиш билан бирга ўзлари иш- лаб чиқарган маҳсулотлар кўрғазмасини ҳам ташкил этишди. Ярмарка давомида 84 кишига ишга жойлашиш учун йўллан- мalar берилди.

● Андижон давлат университетидида ви- лоят экоҳаракати томонидан «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг ба- жариллишига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Туркия ҳукумати мамлакат Консти- туциясига киритилган ўзгаришлар ва кўшимчалар йиғмасини кўриб чиқиш учун муҳолифатга тақдим этди. Гап шундаки, 1980 йилги ҳарбий давлат тўнтариши- дан сўнг қабул қилинган ушбу асосий қонуннинг 20 та моддасига бош вазир Режеп Тайип Эрдоган бошчилигида ўзгаришлар тақлиф қилинмоқда. Улар асосан, суд тизими ва парламент вако- латларига тааллуқли бўлиб, ўзгаришлар- дан кўзланган мақсад, Туркиянинг Евро- па Иттифоқига интеграциялашув жараё- нини тезлатишдир.

● Токиода Япония тимсоли ҳисоблан- миш олчанинг Яқин Шарқ тури бўлмиш сакура гуллади. Ушбу дарахт мамлакат- нинг марказий қисмида муддатидан ол- дин юзага келган илиқ ҳаво оқибатида гул очди.

● АҚШ мактабларида «Пепсико» компа- нияси маҳсулотларининг савдоси тақиқ- ланди. Зеро, бу маҳсулотларда қанд мод- даси меъридан ортиқ мавжуд бўлиб, тур- ли хасталикларни келтириб чиқаради. Эн- диликда мактабларда «Кока-Кола» компа- ниясининг ичимликлари ҳам сотилмайди.

● Ўтган йили декабрда Шимолий Коре- яда пул ислоҳоти ўтказилиб, аввалги 100 вонг янги 1 вонгга алмаштирилган эди. Шу билан бирга, КХДР Халқ хавфсизлиги вазирлиги томонидан хорижий валютада олди-берди қилиш тақиқланган. Айтиш ке- раки, кимки бу тақиқловни бузса, энг оғир жазо — ўлимга маҳкум этишгача бўлган жазо тури қўлланилиши мумкин.

● Япония олимлари электр таъминоти тизимини мустақил бошқара оладиган тур- рар жой биноси лойиҳасини яратди. Ушбу «Экологик тоза» уй томига куёш ну- ридан энергия оладиган панеллар ва энергия тўлагич ўрнатилади. Йилнинг қайси мавсуми бўлишидан қатъи назар электрон асбоблар бинони зарур миқдор- даги иссиқлик ва ёруғлик билан таъмин- лаб туради.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Жорий йилнинг май ойида пойтахтимизда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур йирик халқаро молия ташкилотининг бундай муҳим форумининг Тошкентда ўтказилиши Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар «ўзбек модели» самардорлиги дунё миқёсида эътироф этилаётганининг яна бир далилидир.

Жаҳон мамлакатларининг аксарияти гло- бал молиявий-иқтисодий инқирознинг сал- бий оқибатларини бошдан кечириётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда иш- лаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси ке- скин тушиб кетган бир пайтда Ўзбекистон- нинг эришяётган ютуқлари, айниқса яқол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 2009 йилда инқирозга қарши чоралар дастури- нинг қабул қилиниши натижасида янги ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат ҳамда қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш ҳажми 9 ва 5,7 фоиз ўсди, 940 мингдан ортиқ янги иш ўри- лари ташкил қилинди, аҳолининг реал да- ромати 26,5 фоиз ошди.

Бундай салмоқли нати- жалар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб бе- рилган машҳур беш тамой- илга асосланган мамлакат- ни ривожлантириш, янги- лаш ва модернизация қилиш бўйича танланган стратегиянинг нечоғли тўғрилигини тасдиқлайди. Кенг қўламли ислохотлар- нинг, жумладан Инқирозга

қарши чоралар дастури доирасида, изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ри- вожланишнинг барқарор суръатлари, аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъмин- лаш имконини бермоқда. Бундай муваф- фақиятни дунёнинг саноқли давлатлари- дагина кузатиш мумкин.

Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг октябрда мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси иж- роси директорларининг баёнотида Ўзбе- кистон ҳукумати жаҳон молиявий-иқтисо- дий инқирози шароитида иқтисодий ўсиш- ни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, оқилона сиё- сат олиб бургани, бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий ин- қироз тасйирига самарали қарши тура оли- шида муҳим омили бўлгани таъкидланган.

Қайд этиш жоиз, Осиё тараққиёт ба- ни вакиллари ҳам мамлакатимизда амалга оширилган туз ўзгаришларнинг юксак

ҚИСКА САТРАЛДАРДА
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Асборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН – ОТБ: ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

самараларини бир неча бор таъкидла- ган. Улар буни Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳ- камлашнинг муҳим омилларидан бири си- фатида эътироф этган. Яқинда мамлакат- имизга ташриф буюрган ОТБ президенти Харухико Курода иқтисодийнинг бар- ча жабҳаларида Ўзбекистон билан ҳам- корлик кўламини янада кенгайтириш ни- ятида эканини билдирди.

Ривожланиш, минтақавий ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаш ва техник кўмак- лаш 67 давлат, шу жумладан, Осиё- Тинч океани минтақасининг 48 ва Евро-

ресурсларини бошқариш, соғлиқни сақ- лаш, таълим ва бошқа соҳаларда страте- гик хусусиятга эга кўшма лойиҳалар амалга ошириляётир.

2006 йилнинг мартда ОТБ томонидан Ўзбекистон билан ҳамкорлигининг 2010 йилгача мўлжалланган навбатдаги страте- гия ва дастури тасдиқланди. Унга кўра, мам- лакатимиз учун устувор иқтисодий ва иж- тимоий соҳаларда 16 та янги лойиҳа иш- лаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этила бош- ланди. ОТБ билан муносабатларимизни си- фат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун шароит яратадиган ва уларни узоқ му- датли асосда ривожлантириш имконини берадиган мультитраншли молиялаш ҳам- корлигининг янги шаклларидадир. Мисол учун, ОТБ томонидан энг йирик лойиҳа- лардан бири — қиймати 300 миллион АҚШ долларининг «Сув таъминоти ва канализа- ция соҳасида мультитраншли молиялаш да- стури» лойиҳаси маълумланди. Ўтган йил- нинг охирида ОТБнинг транспорт ва транс- порт коммуникацияси соҳасида молиявий ёрдам кўрсатиш дастурини тайёрлаш ва шарҳлаш бўйича миссияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон миллий ав- томагистрალი трассаси- нинг участкаларини куриш учун маблағ аж- ратиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда ОТБ иштирокида амалга оши- рилаётган лойиҳалар ўзаро ҳамкорлик изчил кенгайтириш борайтганидан далолат беради. Масал- ан, илгари Марказий Осиё минтақаси транс- порт йўлларининг бир қисми ҳисобланган ушбу автомагистрал- ни ривожлантириш учун 75 миллион дол- лардан ортиқ маблағ ажратилган эди.

Ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳам- корликда ишлаб чиқилган ушбу лойиҳалар мамлакатимизда иқтисодийнинг ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш учун халқаро нормалар- га тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий база- нинг яратилгани, шунингдек, қўлай инвести- ция муҳитининг шакллантирилгани туфай- ли самарали амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Тошкентда Осиё тараққи- ёт банкнинг олий органи ҳисобланган Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажли- сини ўтказиш бўйича улкан ишлар олиб бориляётир. Осиё тараққиёт банки Бош- қарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлиси- нинг пойтахтимизда ўтказилиши, шубҳа- сиз, Ўзбекистон билан ушбу йирик халқ- аро молия институтини ўртасида ўзаро ман- фаатли муносабатларни янада ривожлан- тиришга хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА шарҳловчиси

Ислохотлар оқимида ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Маҳсулотнинг харидоргир турларини талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кўпайтириш бугунги бозор иқтисодиёти талабларидан саналади. Албатта, ана шундай бозоргир маҳсулотларни тайёрлаш учун энг замонавий технологик линия ва дастгоҳлардан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида шуларни назарда тутиган ҳолда хори- жий ҳамкорлар билан алоқаларни му- стаҳкамлаб, янги-янги технологик ли- ниялар келтиришга, шу асосда ҳам ташиқ, ҳам ички бозорда харидорини топадиган маҳсулотлар тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. Маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиш эса бозорни ўрганишда қўл келмоқда, ри- вожланишда муҳим аҳамият касб эт- моқда.

— Фаолиятимизни бошлаганимиз- га эндигина бир йилдан ошди, — дей- ди «Fayz Dekor Biznes» қўшма корхо- насининг тижорат директори Мирол- лим Эргашев. — Шу қисқа давр ичи- да сифатли қандолат маҳсулотлари- миз билан бозорда ўрин топдик, ўз

харидорларимизга эга бўлдик. Бунинг асосий боиси, юртимизда тадбиркор- лик ривожига қаратилган катта эъти- бор, хорижий инвестициялар учун қўлай сармоявий муҳит ва замонавий технологик линиялар қувватидан уну- мли фойдаланишдир. Цехларимизга Германия, Италия, Туркия сингари давлатларнинг технологик линиялари ўрнатилган. Малакали мутахассисла- римиз уларнинг қувватидан самарали фойдаланаётганликлари муваффақият- ларимизда гаров бўлмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат хусусида тўхта- ладиган бўлсак, корхонада нафақат маҳсулот сифати, балки қадқоқлашиш- га, қадқоқлаш ашёлари дизайнига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шунинг учун бўлса керак корхонада тайёрла-

наётган қандолат маҳсулотларига хо- риқ давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Айниқса, Козогистон, Қир- гизистон, Туркменистон мамлакатлари- га маҳсулот экспортни йўлга қўйиляёт- гани бунинг исботидир.

Қўшма корхонада меҳнат қилаётган 35 нафар малакали мутахассиснинг меҳнатлари самараси тайёрланаётган ранг-баранг ва турли ҳажмдаги, ўзига хос таъмга эга бўлган шоколадлар ҳамда шоколадлар тўпламларида кўринмоқда. Ўтган йил сўнгида бир неча турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, улар орасида 100 грам- мли плитка шоколадлари харидорларга манзур бўлди.

Корхонада жорий йилни янги ре- жалар билан бошланди. Эндиликда на- фақат қўшни мамлакатлар, балки Ук- раина, Болтиқбўйи давлатлари ҳамда Россия Федерациясига маҳсулотларни сотиш кўзда тутилган. Бунинг учун Германиядан янада юксак унумли техно- логик дастгоҳ келтириш режалаш- тирилган.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона фаолияти- дан ливҳа.
Қозим Улмасов олган сурат.

«АСИЯ АЛ-ВУСТА»: «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ – ЎТА НОЁБ ТУЗИЛМАДИР»

Мисрнинг «Асия ал-Вуста» ахборот агентлиги сайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг ййгилишида сўзлаган матърузасига бағишланган мақола эълон қилинди.

Электрон нашрда мамлакатимиз раҳбари- нинг «Баркамол авлод орзуси — энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу» деган сўзлари айнан келтирилади.

Мақола муаллифи ўқувчилар эътиборини, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг «ни- маники ўз олдимизга мақсад қилиб қўймай- лик, қандай буюк ишларни амалга ошириш- га интильмайлик, барча олижаноб ҳаракат- ларимизнинг негизидида, барча эзгу ниятла- римизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фа- ровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч ким- дан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир» деган сўзларига қара- тади.

Нашр дунёнинг ҳеч бир мамлакатда бун- дай ташкилот йўқлигини таъкидлаб, «дарҳа- қикат, Ўзбекистон Болалар спортини ривож- лантириш жамғармаси ўта ноёб тузилма бўлиб, айни пайтда қатор мамлакатлар уни қимматли тажриба сифатида ўрганмоқда», деб ёзади.

(Давоми 2-бетда).

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар ака- демиясида бирлашган қасаба уюш- маси ташаббуси билан баркамол авлод тарбиясининг маънавий, ақ- лоқий, ҳуқуқий, экологик, валео- логик ва иқтисодий масалаларига бағишланган республика илмий- амалий конференцияси бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** «Ватанга қасамёд» мажмуасида Тошкент ҳарбий ок- ругида мuddатли ҳарбий хизмат- ни ўтаётган аскарлар учун ҳар- бий қасамёд қабул қилишга ба- ғишланган тантанали тадбир ўтказилди.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** Бутун- жаҳон сув кунини муносабати билан ирригаторлар, эколог- лар иштирокида ўтказилган тадбир «Тоза сув — соғлом дунё учун» деб номланди.

✓ **САЛОМАТЛИК** ва тиббий статистика институти шаҳар филиа- лида Бутунжаҳон силга қарши ку- раш кунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжумани «Силга қарши ку- раш давом этади. Тараққиётни тез- лаштириш учун янги ёндошувлар- дан фойдаланиш» шиори доираси- да уюштирилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги устувор вазифаларни амалга оширишда барчадан юксак ташаббускорлик, қонун ижодкорлиги фаолиятида самарадорликни ошириш йўлида мунтазам изланиш, ҳар бир депутат ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши талаб этилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу борада парламент аъзолари ҳам пировард мақсаднинг асл моҳиятини чуқур англаб етишлари лозим.

«Дойче Кабель АГ Тошкент» қўшма корхонаси кузатув кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Улуғбек ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз ана шу хусусда кечди.

— Авваламбор кўпчилик қатори мени ҳам ҳануз хайратга солиб, ўйлангандан кейин бир фикр билан ўртоқлашганимиз жон деб биланман. Ўртбошимизнинг икки палатали парламент мажлисидаги Ўзбекистон албатта ривожланган давлатлар қаторига кириди, деган сўзлари ҳар биримизнинг дилмида фахр-ифтихор туйғуларини ўйғотди ва айни пайтда маъсуллат ҳам юклайди. Зеро, давлатимиз раҳбари айтиб ўтганларидек, бизда бунинг учун пухта замин ҳам, катта имкониятлари ҳам бор.

Ривожланган давлатлар қаторида бўлиш учун жамият ҳам, барча жабҳаларда, шу жумладан ишлаб чиқаришдаги технологиялар ҳам талабга яраша бўлмоғи керак. Олдимизга шундай вазифа қўйилган экан, бунга интилимиз, астойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

Яқин қўшни мамлакатлар билан таққослайдиган бўлсак, Ўзбекистоннинг кўп афзал томонлари бор. Биринчи навбатда, юртимизнинг табиий ресурслари улкан, геосиёсий жойлашуви қулай — Европа ва Осиё билан мулоқотда бўлиш имкониятларимиз бир хил. Ҳамкорларимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда инсон салоҳияти кучли, интеллектуал мулк тенгсиз. Ёшлар ҳам, катталар ҳам билимли ва илмга чанқок. Бу борада, айтиб ўтиш керак, интилим ҳам юқори. Мустақиллик йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, дастлабки босқичда таълим стандартлари замон талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилди, ўрта бўғинда умумий таълим билан бирга касб эгаллаш, фарзандларимизни иқтидорига яраша илм олишга йўналтириш имкониятлари очилди. Аҳолиси кўп давлатларда бундай даражага эришиш осон эмас. Ўзбекистонда 30 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда наманам деган мамлакатларда ҳам таълим ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор берилган йўқ... Демократик, имкониятларимиздан, салоҳиятимиздан тўғри фойдаланишимиз керак.

— Бу борада «Дойче Кабель» мисолида нима дея оласиз?

— Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар томонлама салоҳиятимиз бисёр. Энергетика, электротехника соҳаларида эришилаётган натижаларга ҳавас қиласиз. Бундан этти-саккиз йил аввал республикамиз электротехника мажмуаси аянчи аҳволда эди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсатлари самараси ўлароқ иқтисодий тармоқларда олиб борилаётган ислохотлар ўз мевасини бера бошлади. Яна бир муҳим жиҳат — бир пайтлар молия муассасаларининг кредит бериши қийинчилик билан амалга оширилган эди, эндиликда эса бу тармоқларнинг жадал ривожланиб бораётгани боис банклар бир-бири билан биз каби мижозлар учун сармоя киритишда рақобатлашмоқда.

Изчил ислохотлар, реал секторга берилаётган имтиёзлар боис иқтисодий ноҳор бўлган бизнинг корхона ҳам қисқа фурсат ичида оёққа туриб, айни пайтда барқарор фаолият юртимокда. Бундан 12 йил илгари корхонамизда атиги 50 киши ишлаган бўлса, ҳозирда «Дойче Кабель» 600 га яқин юқори маҳалаки мутахассисларни бирлаштирган ҳорихий сармоядорлар широкисидда йирик акциядорлик компаниясига айланди.

Ҳамкорларимиз — Германиянинг «Фальк Порше техник» компанияси билан шу кунгача корхонада 30 миллион долларга тенг инвестиция ўзлаштирилиб, унинг асосий қисми модернизация қилишга, янги технологияларни жорий этишга, ишлаб чиқаришни босқичма-босқич кенгайтиришга йўналтирилди.


Маълумот ўрнида эслатиб ўтиш жоизки, «Дойче Кабель» кабель ва пулат сим ишлаб чиқаради. Фойдаланилаётган ҳам шундай — биз ўзимизнинг табиий бойлигимиз бўлиб, сифати олий ҳисобланади. Мисол тариқсидда айтиш мумкинки, ҳақонда Чили энг йирик мис конларига эга давлат, аммо сифат жи-

ҳатидан унинг маҳсулоти рақобатбардошлиги фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мис аралаштирилган сўнг юқори бўлади. Худди шундай Туркия ҳам — Ўзбекистондан мис сотиб олиб, ундан фойдаланган ҳолда кабель ишлаб чиқаради ва ўз номидан маҳсулотини Германия ёки бошқа давлатларга сотади. Демак, бизнинг асосий вазифаларимиздан бири — жаҳон бозорига Ўзбекистон бренди остида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот сотишга эришимиз керак.

Корхона салоҳияти ҳақида гап бораганда, албатта, ижобий эришилган натижалар ва сифат кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутди. Кейинги йилларда халқаро тендерда кетма-кет тўртта лойиҳани ютиб олдик. 2009 йилда «Ўзбекэнерго» компанияси томонидан халқаро молия институти сармоялари ҳисобига

ҳаётга изчил татбиқ этилиши боис бизда инкирознинг бевосита таъсири сезилмади. Кўп давлатларда асосан молия институтларига шариот яратила бошланди. Президентимиз бу борада оқилона сиёсат юритиб, ҳар бир соҳа ва тармоқни оғир талафотдан сақлаб қолиш чора-тадбирларини қўллашга имконият яратиб бердилар. 2012 йилгача мўлжалланган махсус Дастур мажмувий тарзда изчил амалга ошириб келинмоқда. Юртимизимиз айтганларидек, мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инкирозга қарши қабул қилинган дастурни амалга ошириш натижасида юртимизда дунёдаги санокли давлатлар қатори иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтиришга эри-

ТАШАБУСКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНДИ



эълон қилинган тендерда Россия, Хитой ва Ўзбекистондан бешта компания қатнашиб, «Дойче Кабель» гойиб деб топилди. Натижада Ўзбекистоннинг валюта захираси 20 миллион долларга кўпайди. Мазкур лойиҳа «Ўзор-Сурхон» юқори қувватли электр узатиш йўналишини қуриш бўйича стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаси бўлиб, биз ўз мажбуриятларимизни вақтида ва сифатли бажаришга эришдик. Жорий йилда Сирдарё-Сўғдиёна йўналишидаги яна бир лойиҳа устидаги ишларни давом эттирмоқдамиз.

— Улуғбек Миробидович, шу ўринда табиий савол туғилади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози кўпбал давлатларни, шу жумладан ривожланган мамлакатларни ҳам ўз домига тортаётган бир пайтда «Дойче Кабель»да бундай ютуқларга эришилаётганини ҳамкорларингиз қандай баҳолаёттир?

— Кўпчилик яхши биладики, немис халқи, айниқса шу милаят ишбилармонлари гапни шунчаки ҳавога совурмайди. Шу боис уларнинг қуйидаги фикрини қайтариб ўтам: бирон-бир давлат раҳбари Ўзбекистон Президентини каби бундай олдиндан кўра билиш сезгисига эга эмас... Қолаверса, Халқаро валюта жағғармаси ижрочи директорлар миссиясининг баёнотида ҳам шундай маъно ўз аксини топади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инкирози шариотини да иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўпбал ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инкироз таъсирига самарали қарши тура олишга муҳим омил бўлди».

Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада узоқни кўзлаб, қабул қилинган Инкирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг

шилгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инкироз туғайли хаттоки ривожланган давлатларда ҳам ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайиб, ижтимоий муаммолар юзага келган шариотда Ўзбекистонда 2009 йилда уш шуръати саккиз фондан ортиги билан таъминланди.

«Дойче Кабель» корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми 115 фоизни ташкил этди. Инкирозга қарши дастур доирасида технологик жараёнларнинг оптималлаштирилиши ҳисобига маҳсулот ҳажми ортиб, унинг таннархиси 21 фоизга пасайтиришга эришилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 26,8 миллиард сўмлик беш хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган кўрсаткичлар бўйича қўшимча ишлаб чиқаришга қарағанда кўшимча уш миллион доллардан ортик инвестиция киритилди.

Бундай юқори кўрсаткичлар ҳамкорларимизни янги сармоялар киритишга ундаётди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 20 фоизга оширишни, шу жумладан экспортни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Қўшимча 4 миллион долларга тенг сармоя ўзлаштирилиши кўтилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Германия технологияси бўйича иккиламчи пластикни қайта ишлаш тизимини жорий этиш устида иш олиб бораёттирмиз. Бу яна 41 миллион долларга тенг маҳсулот ҳақда 1000 дан ортик янги иш ўринлари демакдир.

Албатта, ушбу режалар кеча ёки бугун белгиланмаган. Корхонада 2002 йилда биринчилан бўлиб жорий этилган кузатув кенгаши томонидан узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилган. Кенгаш жорий ишлаб чиқариш фаолияти билан эмас, балки корхона умумий ривожланиши масалалари билан шуғулланади. Эришган натижалар

римиз ҳам кенгаш томонидан тўғри олиб борилаётган кучли стратегия туғайлидир. — Демократик, «Дойче Кабель»нинг келгусидаги вазифалари ҳам бугунги кундан бошлаб аста-секин илгари сурилмоқда...

— Кундалик иш билан ўралашиб қолмаслик лозим. Бунинг устида мутасадди ходимлар бош қотиради. Ўз навбатида, эртанги кунни, истиқболни ўйлаб иш юритишни бозор иқтисодиёти талаби тақозо этмоқда. Бирон-бир давлат жаҳон ҳамжамиятига интеграллашиш жараёнидан мустақно эмас. Бугунги кунда дунё бозорига глобаллашув авжида ва ҳар бир давлат унда ўзининг зўр маҳсулоти билан қатнашиши мумкин. Масалан, компьютер процессорлари ишлаб чиқариш борасида дунёда АҚШнинг иккита компанияси машҳур. Германиянинг «Хелла» ва «Бош» компаниялари автомобильлар учун ёриткич ва электродвигателларни катта ҳажмда ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон глобал бозорда ўзининг юқори сифатли кабель маҳсулотлари билан муносиб ўрин эгаллаши мумкин. Бунинг учун имкониятлар етарли. Шу тариқа жумладан, «Дойче Кабель»нинг ҳам мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига ҳисса қўшиш нияти бор ва бу борада саъй-ҳаракатлар бошланди. Албатта, ҳолва дегани билан оғиз чучмайди. Германиялик ҳамкорларимизни бу ғоямига шерик қилиш осон бўлмайди, аммо, ўйлаймизки, ҳаракатларимиз албатта ўз ижобий натижасини беради.

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳақидаги фикрини айнан парламент мажлисида билдирганини шахсан сиз қандай тушунасиз?

— Бу — катта ишонч, катта умид... Ўз сўзловчилари ишончини оқлашга олдиндан ваъда бериб, беш йил иш юритишга шайланган депутатлар, Сенат аъзолари, маҳаллий Кенгашларга билдирилган катта ишонч, катта умид деб биланман.

Мен биринчи марта депутат бўлиб сайланишим. Катта маъсуллатни ҳис этапман, аммо, очини айтганда, бу борада тўлиқ ишга киришиб кетдим, дея оймаман. Бевосита саноатчи сифатида вазифаларини англаганда, депутатнинг зиммасида катта вазифа борки, у ҳар бир жараёнга тушунган ҳолда кириб бориши, маъзани чақиб, англаш талаб этилади. Шундагина билдирилган ишончини оқлашга эришиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Мирзо Улуғбек туманидаги ТТЗ ва Хумоюн маззеларида аҳоли билан учрашувлар пайтида янги иш ўринларини яратиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳозирда кенг самара бериши мумкин бўлган бир лойиҳани тажриба тариқсидда битта маҳалла миқёсида жорий этишни бошладик. Мақсад — «франчайзинг» тизимини қўллаган ҳолда қасаначиликни янги босқичга кўтаришдир. Кўп қаватли уйлар хонадонларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг имкони йўқ, албатта. Шу боис маҳалла гузаро қошида зарур дастгоҳни ўрнатиб, корхонанинг бир бўғинини ташкил этишни мўлжаллашмиз. Маҳсулот иккиламчи ош ашё — ишлаб чиқариш қолдиқларидан тайёрланади. Маҳалла ёшлари, катта ёшдаги аҳоли вакиллари бундай белгиланган ўйрумчона бўйича бюртмани бажариб бериши мумкин. Бундан маҳалла ҳам, аҳоли ҳам моддий манфаат кўради. Тажриба амалда синаб қўриш учун қонунчилик ёки мезърий ҳужжатларга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш лозим бўлади. Ушбу масалани халқ депутатлари Кенгашиде муҳокама қилиш, балки юқори ташкилот даражасида ҳам қўриб чиқиш тақозо этилади. Мухими — бундай лойиҳалар биринчи навбатда аҳолига қулайлик яратишга йўналтирилган бўлмоғи лозим.

Қайси бир соҳани олмайдик, шубҳасиз, тажриба муҳим роль ўйнайди, аммо ҳар доим бу борадаги андоза замон талабига тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Бугунги кунда замонга яраша одамларнинг, айниқса ёшларимизнинг дунёқараши, тафаккури кенгайиб бораёттир. Демак, бунга жавобан ҳар бир раҳбар, биз, маҳаллий Кенгаш депутатлари, парламент вакиллари ҳам мутлақо янги шариотда фаолият юритишимиз талаб этилаётганини унутмаслигимиз керак.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА суҳбатлашди

«АСИЯ АЛ-ВУСТА»: «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМФАРМАСИ – ЎТА НОЁБ ТУЗИЛМАДИР»

(Давлати. Боши 1-бетда).

«Мажлисида спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда спорт заллари қуриш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. — дейилди Миср ахборот агентлиги мақолисиде. — «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, айниқса, болалар-спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда давр талабига яраша берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори маҳалаки спорт устозлари ва мурабийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур дастур ва унда белгиланган вазифалар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг табиий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Агентликнинг хабарига кўра, жорий йилда мусика ва санъат мактабларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадлари учун 36 миллиард сўм ажратилади ҳамда давлат томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор туғайли болалар спортини ва санъат комплексларида ривожланиб бормоқда.

Мақолада жамғарманинг Ҳомийлик кенгаши йиғилишида Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам қўриб чиқилгани ҳақида сўз юритилди. Хусусан, 2010 йилда 11 янги спорт иншооти ҳамда 14 та болалар мусика ва санъат мактаби барпо этилади, 40 та мактабда спорт зали қурилади.

«Асия ал-Вуста» муҳбири Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида ёздади. У ўз мақоласини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг илгарироқ айтган «мамлакатимиз келажиги ҳисобланган ёшларнинг маънавий дунёсида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймастик, уларнинг қалби ва онгида болалигидан бошлаб соғлом турмуш тарзини, миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш керак» деган сўзлари билан якунлайди.

«Жаҳон» АА

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги юртимизда фаолият юритаётган ишбилармонлар, тадбиркорлар қўлида, кичик ва хусусий бизнес ривожиде. Бинобарин, Мустақиллик йилларида мамлакатнинг иқтисодий ўсиши таъминлангани, молиявий аҳволи яхшиланаётгани, пул-кредит тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлашга эришилгани кўпчиликка маълум.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртада ўзаро тўлов механизми анча мустаҳкамлашиб, бу эса ўз навбатида корхоналарнинг молиявий аҳолини яхшилаш, иқтисодий ноҳор корхоналарни тугатиш имкониятини бермоқда. Хусусан, айрим корхона ва ташкилотларнинг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари микдори йил сайин қисқармоқда. Айни чоғда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани натижасида тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши кафолатланмоқда. Айниқса, улар устидан текширишларни ташкил қилишнинг қонуний ва адолатли тизими яратилгани тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идораларнинг асосий вазифаларидандир. Уларнинг фаолиятини руҳсатсиз текшириш, молиявий ва ишлаб чиқариш жараёнларига ноқонуний аралашуш каби ҳолатларга қарши курашиш борасида ушбу тизимда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимояси ўз ифодасини топаган қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда уларнинг ижроси устидан прокурор назорати изчил таъминланмоқда.

Жумладан, ўтган 2009 йил давомида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Президент Фармон ва Қарорларининг жойлардаги ижроси ўрганилиб, 51 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Шундай ҳолатлар таҳлил қилинганда, тадбиркорлик субъектларидан солиқ тўловлари бўйича ортика ҳужжат талаб қилиниши, ноқонуний текширувларни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний тўхтатиб туриш, ихтирий равишда назарда тутилган молиявий жарима тариқсидеги тўловни тўлашлик тавсияси билан тақдимнома киритиш каби ҳолатлар кўпроқ учраши ойдлинлашди.

Адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 140 та тақдимнома киритилган. Мазкур тақдимномалар асосида 2011 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Шундан 10 таси эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини қўлаб, фуқаролик ишлари ҳамда ҳўжалик судларига жами 2 085 517 744 сўм микдорида 126 та давво аризаси киритилган. Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали юртимизда аҳоли бандлигини таъминлашга эришилмоқда. Шундай экан иқтисодиётимизнинг таянч ва сунянига айланаётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш бош мақсадимизга айланмоқда.

Сир эмаски, яхшилик ва эзгулик йўлида қилинаётган ҳар бир ишмииз бизни фақат улғу мақсадлар сари етаклайди. Қолаверса, турмушимизга тўқиллик ва хотиржамлик олиб келади. Халол меҳнатимиз ортиндан обрў-эътиборга эришиб, мазмунли яшашимиз учун пойдевор бўлади

Қобил СОБИТОВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими

Долзарб мавзу

АСОСИЙ ВАЗИФА — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, шубҳасиз, биринчи навбатда инсон омили янада мустаҳкамлашишига, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилмоқда. Бироқ шунинг ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, бугунги кунда ҳалқаро тус олаётган баъзи бир вазиятлар ҳам борки, бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳақимизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

жат — 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда қабул қилинганга назардан кўриб қўйингиз. Шундан сўнг 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савдоси муаммолари бўйича халқаро конвенциялар қабул қилинган. Шу ўринда БМТ Бош Ассамблеясининг 1950 йил 21 мартдаги Конвенциясини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳужжатга 2003 йил 12 декабрда қўшилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги «Трансмилий ўшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшимча одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдоси ҳақида оғоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома ҳам мамлакатимиз томонидан 2001 йил 28 июнда имзоланган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутган мезъёр борми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Мазкур кодекснинг шахсининг озодлиги, шаъни ва қадриятига қарши жиноятлар акс эттирилганда бовида одамлардан фойдаланиш, одам ўғирлаш, эрлик ишлаш тўғрисидаги баёнотида одамнинг озодлиги таъминланган ҳолда мазкур қилиш деган мезъёрлар мавжуд.

Мазкур жиноятларнинг ғояси ва мақсади ғаразли, яъни моддий фойда ёки даромад қўришни кўзда тутди. Чўки одам савдосидан қўланган асосий мақсад ҳам жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлишидир. Одам савдоси тоифасидаги жиноятларни содир этиш усуллари ҳақида халқаро ҳуқуқда ягона тўхтамга келинган эмас. Бу юридик атам

ҳақида универсал баёнларда қайд этилишича, мазкур жиноятнинг қўриб олинган ағдаш йўли билан содир этилган. Алдаш усуллари турличадир. Жумладан, жабрланувчиларга қўп микдорда маош тўланадиган иш топиб беришни ваъда қилган ҳолда уларни бошқа давлат ҳудудига ўтказиш, чет элда никоҳдан ўтиш учун танишимиз баҳонасида бир давлатдан бошқа давлатга олиб бориб, сотиш ҳоллари ҳам учрайди.

Бошқа давлатга ўтказилган инсонларга нисбатан куч ишлатиш орқали ҳам бундай жиноятлар амалга оширилиши мумкин. Шу ўринда айтиш керакки, ўзга юртларга алдаш йўли билан олиб чиқиб кетилган ҳар бир инсон таҳрирлаш, ҳуқуқларининг чекланиши оқибатида ҳар қандай «омушини» бажаришга мажбур бўлади.

Собир АШРАПОВ, Тошкент ҳарбий округ прокуратори катта терговчиси, адлия катта лейтенанти

Наврўз шукуҳи

КЎНГИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Тинчлик- тотувлик, меҳр-оқибат рамзи бўлиши Наврўзи олам нафаси юртимиз узра кезмоқда. Шундай шукуҳли кунларда Сергели туманидаги «Бахт диёр» гузариди ҳам бағрикенглик, меҳрибонлик ва саховатга йўрилган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан карнай-сурнай наволари янграб катталардан тортиб жажжи фарзандлар даврага чорланган ушбу тадбирда кўнгиллар меҳру муҳаббат, шодлигу қувончга тўлди, диллар яйради.

— Бутун олам яшилликка бурканиб, табиат ўзгача чирой очган кунларда она Ватанимиз гуллаб-яшнаши, ҳосилимиз мўл бўлишини ният қилган ҳолда, ўғил-қизларимизнинг элимизга муносиб ворис бўлиб вояга етишларига тилак билдираман, — деди тадбирни очар экан туман ҳокими Муталиб Абдуллаев.

«Сергели фарзандлари» деб номланган ушбу тадбирда маҳаллаларда истикомат қилувчи 60 нафар жажжи фарзандларнинг суннат тўйлари ҳам ўтказилди. Тўй болаларга костюм-шим, оппоқ кўйлақдан саруполар кийгазилди, ўйинчоқлар, эсдалик совғалари, ҳар бирига 10 миң сўмдан жамғарма қўйилган омонат дафтарчалари топширилди. Чиройли байрам дастурхони атрофида, ота-оналари бағрида гул-гул яшнаб ўтирган болажонлар қувончини, гурур-ифтихорини таърифлаш мушкул.

— Ҳар бир шонли сана ва кутлуғ байрамларда анъанавий тарзда мана шундай тад-

бирларни туман ҳокимлиги ва ҳимматли ҳомийларимиз билан биргаликда ўтказиб келамиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Баҳодир Қурбонов. — Бундан ташқари, кекса, бетоб, тадбирга етиб келолмаган меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, жисмоний имконияти чекланган болажонларнинг уйларига бориб йўқладик.

Тадбирда Навоий номли маҳалладан Барно Сағатова ўғли Нодирбекнинг, «Тинчлик» маҳалласидан Нарғиза Мамажоновани ўғли Жаҳонхоннинг, А. Темур номли маҳалладан Дилфуза Назарова ўғли Шамсиддиннинг тўйлари мана шундай чиройли ва меҳрли инсонлар даврасида ўтаётганини жуда мамнун эканликларини айтиб, барча оналар номидан катта миннатдорчилик билдирдилар. Биз ҳам шу ўринда хайру саховатга йўрилган тадбирлар бошида турган туман ҳокимлиги, «Санотқурилишбанк», «Грин-ворд», «Элтех санот» ва «Вест ланд генерал трейдинг», «Гузар сервис» каби бир қатор корхона ва ташкилотларга ишларида омад ва зафар ҳар доим ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



Сўранг, жавоб берамиз

Мулк тушунчаси, мулккий муносабатлар ҳақида маълумот берсангиз.

Ш.Рашидова, Бектемир тумани

Мулк кишининг ашёга нисбатан эгаллик ҳис-туйғуси, шунингдек, ушбу ашё юзасидан кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатдир. Мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эгадир. Эеро, ҳар қандай шахс ашёларни ўзиники қилиб олгандагина улардан эркин фойдаланиши мумкин. Ҳақнинг мулкни ижарага олувчи ёки мулкдорга ёлланиб ишловчи шахс бу маънода мустақил бўлмайди.

Мулкчилик, айти пайтда, масъулият ва манфаатнинг узвий бирлиги ҳамдир. Мулкдорлик шахсининг мулк ҳуқуқини юзага чиқаради. Мулк ҳуқуқи эса, ўз навбатида, объектив ва субъектив маъноларда тушунилади. Объектив мулк ҳуқуқи деганда, ашёларни ўзлаштиришнинг усулларини белгилувчи, тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқ меъёрлари назарда тутилади. Мулк ҳуқуқи тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ меъёрлари ҳисобланади. Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда, ҳуқуқ субъектларининг (давлат, ташкилотлар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ меъёрлари асосида мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқлари тушунилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Дарҳақиқат, табиат томонидан инъом этилган ва кишилар меҳнати билан яратилган бойликлар мулк ҳисобланади. Фақат улар мазмун-моҳиятига қараб шакллари бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 167-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг қуйидаги шакллари мавжуд.

Хусусий мулк;
Оммавий мулк.

Давлат мулк шакллари ривожлантириш учун зарур ҳуқуқларнинг тенглигини таъминлайди ва унинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулк шакллари бундай туркумлаштириш учун мулк субъекти маъноси ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий мезон ҳисобланади. Оммавий мулк таркибини Ўзбекистон Республикаси мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки ташкил этади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки таркибига маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик корхоналари ва бошқа мулккий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади. Муниципал мол-мулкни қонун ҳужжатларида бошқача тартибда назарда тутилмаган бўлса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Умид РАСУЛОВ,
Фирдавсий МАНСУРОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳуқуқшунослари

Яқинда бошимга ташвиш тушиб қолди. Мени фарзандликка олиб, боқиб, катта қилган бувим вафот этдилар. У киши вафотидан олдин васиятнома ёзиб, уй-жойини менга қолдираётганини айтган эди. Менинг ушбу уйда қандай ҳуқуқларим бор?

Д.Арзиқулова,
Ўттепа тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112-моддасига кўра, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш ифодаси «васият» деб эътироф этилади.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун буйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан васият қилаётган пайтдаги ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли саналади. Васиятномани расмийлаштириш чоғида мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмайди, аксинча умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома тузишда ўз мулкни, яъни уй-жойини бошқа шахсга берувчига ушбу мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши шарт. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилган тараф эса бунинг сабаблари ва асосларини кўрсатиши шарт.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасига кўра, бир тараф (олувчи) бошқа тараф (берувчини) натура ҳолида умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бунинг эвазига эса берувчи унга уй-жой (квартира)ни ёки уй-жойнинг бир қисмини мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Ушбу қонун нормаси мазмун-моҳиятига кўра олувчи томонидан ўз зиммасига олган берувчининг умрбод моддий таъминлаш мажбурияти натура шаклида берилиши лозим, яъни уй-жой билан таъминлаш, овқатлантириш, парвартиш ва бошқа зарур ёрдам кўрсатиш деб тушунилади, чунки соғлиги тўғрисида махфийлик бўлган ҳолда шундай шартнома билан берувчи таъминлаш талаб қилади.

Маъмура НИЁЗОВА,
Шайхонтоҳур тумани 2-давлат нотариал идораси нотариуси

ДЎСТЛИК КЕЧАСИГА АЙЛАНИБ КЕТДИ

Шу кунларда Наврўзи олам шодиёналари ҳар бир маҳалла, кўча, корхона ва ташкилотларга кириб бормоқда. Қаерга борманг сумалак сайилларию миллий удумларимиз акс этган байрам томошаларининг устидан чиқасиз.

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва Чустий номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида «Регистон» тантаналар уйида бўлиб ўтган Наврўзи олам шодиёналари ҳам ўзига хос тарзда нишонланди.

Файзли даврага йиғилган маҳалладошлару узоқ-яқиндан келган меҳмонларни халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Калон Шодиев, Собир Раҳимов тумани ҳокими ўринбосари Муқаддам Расулова табриклаган, дилрабо куйлар, дилтортар кўшиқлари чиройли рақсларга уланиб байрам тадбири иштирокчилари дилларига илиқлик бахш этди.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, ушбу байрам тадбирини моҳиятан дўстлик ва бирдамлик кечасига айланиб кетди. Эеро, тадбир давомида Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги хинд маданий-маърифий

маркази вакиллари ҳам сўзга чиқиб, хинд ва ўзбек халқлари маданиятининг муштарак томонлари, ўзаро алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлаган ҳолда йиғилганларни Шарқ халқларининг яшариш ва янгиликаниш айёми муносабати билан хайрия тадбирлари ўтказилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда жамғарманинг шаҳар бўлими раиси Калон Шодиев. — Тадбирларда кам таъминланган оилалар вакиллари, жисмоний имконияти чекланган кишиларга моддий ва маънавий кўмак

кўрсатилмоқда. Жамғармаимиз ходимлари шаҳарда ташкил этилаётган ободонлаштириш ҳашарларида, гул ва дарахт кўчатлари экиш ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Шу кун Наврўз байрами олдинда ўтказилган ҳашарлар ва ободонлаштириш ишларида ўрناق кўрсатган Чустий маҳалласи фаоллари Фаҳрий ёрликлар, ўттизта кам таъминланган оила вакилларига совғалар топширилди. Хушовоз хонандалар Бобомурод Ҳамдамов, Зиёдахон, Элмурод Мирзаев, Насиб ва Рухона дуэти, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги хинд маданий-маърифий маркази ансамбли ижросидаги куй, кўшиқ ва рақслар, миллий кийимлар намойиши келин салом удуми байрам тадбирига ўзгача файз бағишлади.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: байрам тадбирдан лавҳалар
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



ИМТИЁЗЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ва уларга нархларни жорий этиш тўғрисидаги қарорлари соҳада чакана савдо фаолиятини тартибга солишда муҳим роль ўйнамоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда маҳсулотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган индекс, савдо фаолияти амалга оширилмаси, ишлаб чиқарувчи ва чакана савдо корхоналарига тегишли тартибда жарима санкциялари қўлланилиши ва айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши белгиланган нафақат тартиб-қоида қатъийлиги, балки маҳсулот сифатининг яхшиланишига ҳам ҳисса қўшади.

Қарорлар ижросини таъминлаш борасида Яқкасарой тумани ДСИ ходимлари томонидан ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги қарори ижроси йўлида туманда алкоғоль маҳсулотлари билан чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи умумий овқатланиш корхоналари ва савдо дўконлари ўртасида қарорнинг мазмун-моҳиятини тушутиришга қаратилган учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Амалга оширилган ишлар,

кўрилган чора-тадбирлар натижасида шундай маҳсулотлар билан савдо фаолиятини амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг қарор талаблари асосида иш юритиши таъминланмоқда.

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2009 йил 30 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қарори, Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги 2009 йил 4 декабрдаги 693-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетли параметрлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб 2010 йилда муайян ўзгаришлар қилинганлиги айти мундоо бўлди. Сабоби унда жисмоний шахслар ва тад-

биркорларимиз учун қатор солиқ имтиёзлари яратилди.

Хусусан, юқоридаги қарорларга биноан, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ставкаси санот корхоналари учун 2009 йил 10 фоиз белгиланган бўлса, жорий йилда у 9 фоизга тушди. — дейди Яқкасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими Ж. Мирзажонов биз билан суҳбатда. — Шунингдек, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ставкалари энг кам ойлик иш ҳақининг 6 бараваригача 11 фоиз, энг кам ойлик иш ҳақининг 6 бараваридан 10 бараваригача 17 фоиз, энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 22 фоиз белгиланган.

Ягона солиқ тўлови ставкаси 2009 йилда 8 фоиз бўлса, белгиланган фаолият тури учун 7 фоиз, Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидентлар ва фо-

излар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз, қўшилган қий-мат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорда; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2009 йилга нисбатан 1.15 фоизга индексланди.

Айрим турдаги маҳсулотлар буйича ор-тиқча фойдадан солиқ ставкалари 2009 йилда маҳсулотлар тури буйича 60-75 фоиз белгиланган бўлса 2010 йилга 50 фоизга туширилди.

Бундан кўриниб турибдики, солиқ ставкаси буйича фуқаролар ва тадбиркорларимиз учун анчагина имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда.

Бу эса уларнинг солиқ учун ажратил-диган маблағларни тежашга хизмат қили-ши билан бир қаторда фуқароларимиз тур-муш тарзининг янада яхшиланиши, тад-биркорларимиз фаолиятининг бундан-да ривожланиши учун пухта замин яратади. Айни чоғда туманимиз солиқ инспектор-лари томонидан ушбу қарорларнинг иж-росини таъминлаш билан бирга, уни аҳоли, корхона ва ташкилотларда кенг та-риғибот-ташвиҳ қилишга ҳам алоҳида эъти-бор қаратилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Нафосат ва гўзаллик байрами Наврўз айёмини барча соҳа кишилари шодиёна ва кўтаринки руҳда нишонламоқдалар. Баҳор ва Наврўз таомлари билан безатилган тўкин дастурхон атрофига йиғилиб, бир-бирларига яхши тилаклар билдиришмоқда, қувноқ куй-қўшиқлар ва рақсларга жўр бўлишмоқда.



Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-оилавий поликлиника жамоаси ҳам Баркамол авлод йили ҳамда Наврўз байрами муносабати билан «Балли, қизлар» кўрик-танловини ўтказди. Тадбир давомида айниқса 51-оилавий поликлиника ҳамшира қизлари тўртта шарт, яъни саломлашув, соғлом турмуш тарзи ва тиббиётга оид саволлар, пазандалик ва эркин мавзу бўйича беллашуларда билим ва маҳоратлари, зукколиклари, чаққонликларини намойён этдилар.

— Хар йили Наврўз байрами кунлари ҳамширалар ўртасида «Балли, қизлар» танловини ўтказиш анъанага айланган, — дейди мазкур поли-

клиника бош шифокори Гўзал Қодирова. — Танловда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бошқаларга намуна бўлган ибратли қизларимиз иштирок этиб келмоқда. Бу гал ҳам қизлар рационал овқатланиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш бўйича саволларга батафсил жавоб бериб, ўз соҳаларининг билимдони эканликларини намойён этдилар. Ушбу танловни ўтказишдан мақсад ҳам қизларнинг билим ва малакаларини ошириш, уларни турмушга тайёрлашдан иборат.

Шодиёна ўтган тадбирда баҳор ва Наврўз таомлари байрам дастурхо-

Танловлар

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР



нига тортилди. Фолиблар ва иштирокчи қизлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Маданият уйи бадий жамоаларининг Наврўзни мадҳ этиб куйлаган қувноқ қўшиқ ва рақслари

тадбирга ўзгача файз киритди. Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Балли, қизлар» танловидан лавҳалар Козим Ўлмасов олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
ОДАМЛАРНИ ТАНИШ БАЁНИДА

Баъзиларнинг кўнглида ганжи гарон,
Баъзиларнинг кўнглида ранжи гарон.

Баъзиларнинг кўнглидур паррандадек,
Баъзиларнинг кўнглидур гаррандадек.

Баъзиларнинг кўнглидур асби равон,
Баъзиларнинг кўнглидур гови давон.

Баъзиларнинг кўнглидур қасри жамил,
Баъзиларнинг кўнглидур гўё оғил.

Баъзиларнинг кўнглидур гулшан каби,
Баъзиларнинг кўнглидур гулхан каби.

Баъзиларнинг кўнглидур вайронадек,
Баъзиларнинг кўнглидур парвонадек.

Баъзиларнинг кўнгли хушбўйлик бўлур,
Баъзиларнинг кўнгли бадбўйлик бўлур.

Баъзиларнинг кўнгли жило устун жило,
Баъзиларнинг кўнгли қаро устун қаро.

Баъзиларнинг кўнглидур оққан сувдек,
Баъзиларнинг кўнглидур турган сувдек.

Баъзиларнинг кўнгли шод кундузги кун,
Баъзиларнинг кўнглидур тун ичра тун.

Баъзиларнинг кўнглидур соҳибжамол,
Баъзиларнинг кўнглидур молу аёл.

Баъзиларнинг кўнглидур мастхонадек,
Баъзиларнинг кўнглидур тутхонадек.

Баъзиларнинг кўнглидур гўё мазор,
Баъзиларнинг кўнглидур гўё бозор.

Бу масал поёни йўқтур, эй ўғул,
Бу насиҳат ёд ол, қилғил қабул.

(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАССОЙИ ва
Мавзуда РАЗЗОҚОВА
тайёрлаган

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси жамоаси профилактик дезинфекция бўлими бошлиғи Мехринисо Кучкоровна Нурмухамедовага волидаи муҳтарамаси

Майрам НУРМУХАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Маълумки, юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий билимларини ошириш юзасидан амалга оширилётган ишларни кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш жадал суръатда олиб борилмоқда. Бинобарин, 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида Шайхонтохур тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳам кенг кўламли ишлар бажарилаётган бўлиб, унда маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқаролар, тумандаги ўқув муассасаларида таълим олаётган талаба-ўқувчилар ва уларнинг устоз-мураббийлари, тумандаги оилавий поликlinikларда фаолият юритаётган шифокорлар иштирокида турли хил маънавий-маърифий, сиёсий, ижтимоий, спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, туман хотин-қизлар кўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда яришиш ва янгилашни рағбатланиш келин-чаги бўлиши баҳорнинг энг гўзал байрами — Наврўзи олам муносабати билан жойларда турли кўрик-танловлар, байрам дастурлари, концертлар ва спорт

мусобақалари ташкил этилмоқда. Шулардан бири «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир» шио-

лар, тиббиёт ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Туман хотин-қизлар кўми-

2010 йил — Баркамол авлод йили

ХАЙРЛИ ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗСИН

ри остида тумандаги ўқув муассасалари, маҳалла, спорт мажмуаларида хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол, стол тенниси, баскетбол, арқон тортиш, эстафета, узунликка сакраш турлари бўйича ўтказилаётган спорт ҳафталигидир. Спорт мусобақаларида нафақат талаба-ўқувчилар, балки маҳаллада истиқомат қилувчи уй бекалари, устоз ва мураббий-

тасининг хайрли ташаббуси билан ташкил этилган спорт ҳафталиги давомида 314-мактабда ўқувчи-қизлар волейбол, стол теннис ва шашка бўйича баҳс юритган бўлсалар, тиббиёт колледжидан туманда жойлашган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчи қизлари ҳам юқоридаги спорт турлари бўйича ўз кучларини синаб кўрдилар. Кейинги икки

кун давомида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда коллежлар ва лицейлар ўқувчилари баскетбол, эстафета ва стол теннис бўйича энг кучлиларни аниқлаган бўлсалар, «Белтепа» болалар спорт мажмуасида туман тиббиёт бирлашмаси хотин-қизлари ўртасида волейбол, арқон тортиш ва узунликка сакраш мусобақалари ўтказилди. Болалар спорт мажмуасида ва маҳалла спорт майдончасида эса мактабгача таълим муассасалари мудирилари ҳамда туман маҳаллаларининг фаол аёллари ўртасида кувноқ стартирлар, арқон тортиш, узунликка сакраш, стол теннис, шашка, волейбол, эстафета каби спорт турлари бўйича ташкил этилган ҳаяжонли баҳслар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бу ерда муҳими галаба ҳам эмас, балки оналаримиз ва болаларимизнинг соғлом, тетик, жисмоний жиҳатдан чиниққан ҳолда бўлишлари учун яна бир муҳим қадам ташланди. Бинобарин, бундай фойдали мусобақаларни ҳар бир туманда тез-тез ўтказиб туриш керак.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Самбо

УРГАНЧДАН ОЛТИН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган 130 нафар самбочилар иштирокидаги баҳслар қизиқарли курашлар остида кечди. Шуни қувонарлики, ўз вази тоифаларида мамлакат чемпионлигини қўлга киритган хоразмлик Санжар Каримберганов, Маҳмуд Юнусов, андижонлик Шароф Лутфуллаев, бухоролик Азамат Файзуллаевлар қаторида пойтахтимиз вакиллари Суннат Азимов ҳамда Шохрух Қўчқоровларнинг ҳам борлиги шахримиз ёшлари орасида самбо курашига қизиқиш кучайиб бораётганлигидан далолатдир.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорлар совринлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди. (Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошкент Давлат цирки 2010 йил 6 мартдан бошлаб

СИЗ УЧУН, БОЛАЖОНЛАР!

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН БАҲОРГИ КАТТА ДАСТУР

Дастурда «Ўзбекистон йигитлари» жамоаси артистлари, шунингдек маймунчалар, пақана отлар, ламалар, эчкичалар, кабутарлар, кучуқлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР иш кўнлари — 11.00, 14.00, шанба ва якшанба кўнлари 12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туманлардаги кассирлар томонидан сотилмоқда.

Пул турлича шаклда тўлашни мумкин. Касса соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси оғиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, 11.03.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, Юнусобод туман суд ижрочилар бўлимида сақланаётган «Шевролет Оптра» русумли, д/р 30Y8133 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 4 май кун соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридagi автотранспорт 2010 йил 4 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортни сотиш юзасидан тақрирӣ аукцион савдоси 2010 йилнинг 25 май кун бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.kmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 20 февраль кун соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақрирӣ Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.08.2008 йилдаги №2-57-2008 ижро ҳужжатига асосан «Бета Алгоритм АШ» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонасига қарашли, корхона ҳудудида сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. «Форд транзит» русумли, д/р М47-25 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 732 238 сўм;
2. «Форд транзит» русумли, д/р М47-16 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 068 023 сўм;
3. «Форд транзит» русумли, д/р М47-16 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 365 878 сўм;
4. «Форд транзит» русумли, д/р М47-24 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 973 266 сўм;
5. «Форд транзит» русумли, д/р М47-18 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 392 858 сўм;
6. «Форд транзит» русумли, д/р М47-21 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 136 316 сўм;
7. «Форд транзит» русумли, д/р М47-22 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 924 310 сўм;
8. «Форд транзит» русумли, д/р М47-20 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 575 628 сўм;
9. «Форд транзит» русумли, д/р М60-56 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 929 399 сўм;
10. «Форланд» русумли, д/р М71-16 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 063 208 сўм.

Савдога кўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон ф-даги кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. **Диққат кўйидаги мол-мулкларнинг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади:** Миробод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Тошкент оқшом» газетасининг 01.03.2010 йилдаги 40(11.601)-сонидан чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, «STONE EXPRESS» МЧЖ ва «EAST PRODUCTIONS» МЧЖларга тегишли мол-мулклар: 1. «BARSANTI MACCHINE» русумли мрамар кешиш ва қайта ишлов бериш учун мўлжалланган дастгоҳ-уқунчалар; 2. Тошкент ш. Шайхонтохур т. Бешёғоч мавзеси, 4-уй манзилда жойлашган, 790 кв.м. ер майдони, 783 кв.м. фойдаланиш майдонидан иборат бўлган, 9 қаватли бинонинг 1 қавати қисми; 3. Тошкент ш. Ҳамза т. Тараққиёт кўчаси, 2-уй манзилда жойлашган, 11088 кв.м. ер майдони, 6274 кв.м. фойдаланиш майдонидан иборат бўлган, 1 қаватли биноси; 4. Тошкент ш. Ҳамза т. Тараққиёт кўчаси, 2-уй манзилда жойлашган, 3132 кв.м. ер майдони, 1543 кв.м. фойдаланиш майдонидан иборат бўлган, 1 қаватли биносидан иборат мол-мулкларни аукцион савдоси тўхтатилди. Асос: Миробод туман суд ижрочилари бўлимининг 22.03.2010 йилдаги 6995-10/22-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.kmb.uz

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. *Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади.* **Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4721 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақталди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5